

Ш А Р Т Н О М А № 7

(суютилирлган газ сотиш учун)

«27» Дуваф 2022 йил

№

Денов шахри

«MULTILEVEL» масуляти чекланган жамияти, кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб аталувчи раҳбари Ш.Курбонов. Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва А.Висал Рудин-Авоб масуляти бундан буён «Истеъмолчи» деб аталувчи Боси Вач. А. Нурбаев, Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида шартнома тузадилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1.«Таъминотчи» газ махсулотини сотиш мажбуриятини ва «Истеъмолчи» эса сотиб олинган газ махсулоти учун ўз вақтида шартнома шартлари асосида тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ГАЗ МАХСУЛОТЛАРИ НАРХИ ВА УМУМИЙ ҚИЙМАТИ

2.1.Олинадиган газ махсулотлари хажмининг умумий қиймати Республикамиз миллий валютаси сўмда белгиланади.

| Т/р | Товар номи | Ул. бирл. | Микдори | Нархи | ККС | Акциз | Умумий сумма |
|-----|------------------|-----------|---------|-------|-----------|-------|--------------|
| 1 | СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ | литр | 900 | 3500 | 410869,57 | — | 3150000 |
| | Жами | | ✓ | ✓ | ✓ | — | 3150000 |

2.2.Шартнома умумий суммаси 3150000 (Уч миллион беш юз эллик минг сўми) сўми ташкил қилади.

2.3.«Таъминотчи» газ махсулотларининг қиймати ошганлиги натижасида, ўзгарганда, «Истеъмолчи»ни олдиндан хабардор қилиб, товар моддий бойликнинг ўзгарган нархини асосланган холда сотади.

2.4.«Истеъмолчи» ўзгарган нархлар асосида қўшимча тўловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида амалга оширади.

2.5.«Таъминотчи» газ махсулотларини газ қўйиш шахобчаси орқали «Истеъмолчи»нинг газ махсулотлари билан ишлайдиган, жихозланган автомашиналари орқали амалга оширади.

2.6.«Истеъмолчи»нинг автомашинасига қўйилган газ куни, газ махсулоти етказиш санаси хисобаланади.

III. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1.«Истеъмолчи» товар моддий бойликлар тўлиқ қийматининг олдиндан 100% микдориди 3 банк иш кунида «Таъминотчи»нинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2.«Истеъмолчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда «Таъминотчи» шартномада кўрсатилган газ махсулотларини бермасликка ҳақли бўлади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1.«Истеъмолчи»нинг мажбуриятлари:

а) белгиланган тартибда автомашинага газ махсулотларини қўйиш учун махсус рухсатнома олиш,

б) газ баллоннинг геометрик хажми ва техник ҳолати тўғрисида хайдовчининг йўл варақасига тегишли белги қўйиш,

в) автомашиналарнинг газ баллон ускунаси соғ ҳолда сақлаш,

г) газ махсулотларидан фойдаланиш қоидаларига, техник хавфсизлиги масаларига тўлиқ риоя қилиш.

4.2.«Истеъмолчи» газ махсулотлари билан ишлайдиган, қайта жихозланган автомашиналардан фойдаланиш давомида, техника хавфсизлиги ва автомашинанинг техник ҳолати учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

4.3.«Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:

а) автомашинадаги мавжуд ўлчов ускуналарининг созлиги ва мосламалардан тўғри фойдаланилаётганлигини назорат қилиш,

б) автомашина хайдовчисини газ махсулотларидан фойдаланиш учун гувоҳномаси борлигини текшириш,

в) «Истеъмолчи» томонидан шартнома шартларини бузиш ва техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатини аниқланганида, махсулот беришни тўхтатиш.

4.4.Томонлар махсулот хажмини ўртача кунлик нормасидан келиб чиққан холда ойлик газ микдорини бир маромда узатиш ва қабул қилиш шарт.

4.5.«Истеъмолчи» сотиб олган махсулотни истеъмол қилиш даврида ҳар бир юзага келган ўзгаришлар ҳақида чорак бошланишдан олдин «Таъминотчи»га ёзма равишда хабар қилиши шарт.

4.6.«Таъминотчи» газ қўйиш шахобчаларида мавжуд бўлган ускуналарни навбатдаги жорий таъмирлаш ва умумий таъмирлаш ишларидан олдин, «Истеъмолчи»га ёзма равишда хабар қилиши шарт.

4.7.«Таъминотчи» «Истеъмолчи»нинг автомашинасига ўрнатилган газ ускуналари носозлиги туфайли мўлжалдаги километр масофани юрмаса «Таъминотчи» жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

V. МАХСУЛОТ (ГАЗ) ХИСОБОТИ

5.1.«Истеъмолчи»га берилган махсулот миқдори тарқатиш варақасига асосан ҳисоб-китоб қилинади.

5.2.«Истеъмолчи»га берилган махсулот миқдори давлат стандарти томонидан 13.01.1995 йилда (рег.№418) тасдиқланган «А.Г.Т.К.Ш.»га юборилган газ ҳажмини ўлчаш ва унинг ҳисоб-китоб бўйича қўлланма (Р.Д.Уз.51-03494) асосида «ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» миллий компанияси томонидан 25.11.1995 йилда тасдиқланган «А.Г.Т.К.Ш.»да истеъмолчиларга тарқатилган газ ҳажмини аниқлаш жадвалига мувофиқ «Таъминотчи»нинг ўлчов асбоблари орқали аниқланади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ-ХУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.«Истеъмолчи» шартномада кўрсатилган ҳажмдаги газ махсулотидан кўпроқ миқдорда олмақчи бўлган тақдирда, томонлар ўртасида қўшимча шартнома тузилади.

6.2.«Таъминотчи» шартномада кўрсатилган газ махсулоти билан «Истеъмолчи»ни ўз вақтида таъминлай олмаса қуйидаги ҳолларда жавобгарликни ўз зиммасига олмайди:

а) электр тармоқларида содир бўлган авария ҳолларида,

б) электр тармоқлари таъмирлаш учун тўхтатилганда,

в) мол етказиб берувчи ва пудратчилар айби билан газ махсулоти ўз вақтида келмай қолган вақтда,

6.3.«Истеъмолчи» шартномада кўрсатилган ҳажмдаги газ махсулотининг ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов суммасининг 0,5% миқдорда пеня тўлайди, лекин пеня миқдори шартнома умумий суммасининг 50% идан ошмаслиги керак.

6.4.Газ махсулотларини етказиб беришини кечиктирилганлиги учун «Таъминотчи» кечиктирилган ҳар бир банк иш куни учун 0,5% миқдорда пеня тўлайди, лекин пеня миқдори шартнома умумий суммасининг 50% идан ошмаслиги керак.

6.5.Шартномада кўрсатилиб ўтилган мажбуриятларининг бажарилиши бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунлари бўйича жавобгардир.

VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1.Мазкур шартнома бўйича томонлар шартларини бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.

7.2.Томонлар ўртасида шартномани тузишда, бажарилишида ўзгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни қоплашда юзга келадиган низолар оғохлантириш ва даъво хатлари тартибида, агар муроасага келинмаса вилоят Иктисодий суди орқали хал қилинади.

VIII. ҚЎШИМЧАЛАР

8.1.Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар қонуний кучига эга бўлади. Ўзгариш ва қўшимча шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

8.2.Бир томонлама шартнома бекор қилишга тўлов шартлари бажарилмаганлиги ва газ махсулотларини етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

IX. ФОРС-МАЖОР

9.1.Агар шартнома тузилгандан сўнг икки томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва табиий офатлар сабабли бажарилмаса, ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланишмайди.

X. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

10.1.Мазкур шартнома газначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва « 31 » декабр 2022 йилгача амалда бўлади.

10.2.Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки томон учун ҳам тенг кучга эга бўлиб, банк ҳисоб-китобларини амалга оширишга асос бўлади.

X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮЗИДИК МАНЗИЛИ

«Иш бажарувчи»

«Multilevel» МЧЖ

Манзил: Денов шаҳар. Н Косимов 7 уй

ТИФ Миллий банк Денов филиали

х/р : 20208 000 704 370 690 001

МФО:00 845

ИНН: 205 210 995

Тел:+998(97)550-3050,

+998(97)786-2278

М.У. Раҳбар:

Ш Курбонов

«Буюртмачи»

З.Виталий Рудин - Асад Исмаилов

Денов ТН Казарбаев еси

Манзил: Денов шаҳар 804 м-н

х/р 20028000704370690001

Банк Денов филиали

ИНН: 205 402 118, ОКОНХ 2020, МФО: 00845

Денов ТН Казарбаев

Денов ТН Казарбаев

М.У. Раҳбар:

З.Виталий Рудин

Хуқуқшуно визаси: Мен З.Виталий Рудин нинг Хуқуқшуноси, ушбу шартномага Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларини талабларига мос келишлигини аниқладим:

«27» Девр 2022 йил А. Раҳимов



Denov tuman
Yuridik shaxsning davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi xaqida

GUVOHNOMA

Reestr № 940

№ 940-1

2016 yil 18 avgust

Mazkur guvoxnoma: «MULTILEVEL» mas'uliyati cheklangan jamiyatiga
(o'zbek tilidagi to'liq nomi)

Denov tuman hokimligi huzuridagi tadbirkorlik sub'ektlariga yagona darcha tamoyili bo'yicha Davlat xizmatlari ko'rsatish «YAGONA DARCHA MARKAZI» tomonidan berildi.

(Yuridik shaxs dehqon xo'jaliklar, fermer xo'jaliklari, ajratilgan er uchastkasi va uning maydoni ko'rsatiladi)

| | |
|--|--------------------|
| Tashkiliy-xuquqiy shakli : | TXSHT 152 |
| Mulkchilik shakli : | MSH 142 |
| Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili : | MXBT 1722210501 |
| Yuridik shaxs kodi : | KTUT 19635066 |
| Asosiy faoliyat turi : | XXTUT 71211 |
| Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami : | STIR 205210995 |

Qushimcha ma'lumotlar : Surxondaryo viloyati statistika boshqarmasini 2014 yil 12 maydagi xabarnomasiga asosan asosiy faoliyat turi kodi (XXTUT) bo'yicha 71280 dan 71211 ga o'zgartirildi.



M. «YAGONA DARCHA» markazi direktori: _____
(imzo) O.Xolmirzayev



Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси "Ўзнефтгазинспекция"

ЛИЦЕНЗИЯ

АС № 0060

Мазкур лицензия билан "MULTILEVEL"
(лицензия эгасининг тўлиқ номи)
масъулияти чекланган жамияти

_____ га
Сурхондарё вилояти, Денов тумани, С.Отабоев с.и.у., "Водий" маҳалласида
(рухсат этилган фаолият тури)
жойлашган АГҚШ ва ГТП орқали суултирилган углеводород газини сотиш

_____ билан
шугулланишга рухсат этилади.

Лицензия эгасининг жойлашган жойи (почта манзили): Сурхондарё вилояти,
Денов шаҳри, Н.Қосимов кўчаси, 7-уй

Лицензия эгасининг солиқ тўловчи сифатидаги идентификация рақами: 205 210 995

Лицензия берилган сана: 2019 й. 23 апрель

Лицензиянинг амал қилиш муддати беш йил

Регистр қўйиладиган тартиб рақами: № 465



Н. Агзамов

(исми шарифи, фамилияси)

Аминов
(имзоси)

Лицензиянинг амал қилиш муддати _____ й. _____ гача
узайтирилди.

Ваколатли шахс: _____
(исми шарифи, фамилияси) _____
(имзоси)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати _____ й. _____ гача
узайтирилди.

Ваколатли шахс: _____
(исми шарифи, фамилияси) _____
(имзоси)

М.Ў.